



ҲАР БИР СОҲАДА ИЛМ РИВОЖЛАНСА, ПИРОВАРД НАТИЖАДА ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИК ТАЪМИНЛАНАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 12 июнь куни пойтахтимизнинг Олмазор туманида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ва йирик лойиҳалар билан танишди.

Президентимиз дастлаб Ўзбекистон Фанлар академиясининг Математика институтига ташриф буюрди.

Давлатимиз раҳбари Олий Мажлисга шу йил январь ойидаги Мурожаатномасида ҳар йили илм-фаннинг бир нечта устувор йўналиши ривожлантирилишини айтган эди. Жорий йилда математика фани ана шулардан бири сифатида белгиланди.

Бу ҳалқимизни ҳам, илмий жамоатчилишни ҳам гоят қувонтирди. Чунки математика юртимизда чуқур тарихий асосга эга ва бугунги кунда тараққиёт учун гоят долзарб.

Мамлакатимизда ушбу йўналишни ривожлантиришда Фанлар академиясининг Математика институти катта ўрин тутди. 1943 йилда ташкил этилган бу даргоҳ ўтган даврда математик тадқиқотларнинг йирик марказларидан бирига айланган. Бу ерда шаклланган алгебра ва функционал анализ, дифференциал тенгламалар, эҳтимоллар назарияси ва математик статистика бўйича илмий мактаблар жаҳон олимлари томонидан эътироф этилган.

2019 йилда мазкур фанни ривожлантириш бўйича муҳим қадам ташланган эди. 9 июлда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Математика таълими ва фанларини янада ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг В.И.Романовский номидаги математика институти фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Ушбу қарор асосида Математика институтига қатор имтиёзлар берилди, жумладан, замонавий бино билан таъминлаш белгиланди. Чунки институти шу пайтгача эски, таъмирталаб бинода иш юритиб келаётган эди.

Математикларга замонавий шaroитлар яратиш мақсадида Олмазор туманидаги Талабалар шаҳарчасида янги бино қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Президентимиз бу ерда яратилган қулайликлар билан танишди. Янги иморатда 7 та илмий лаборатория ва "Ёш математиклар" маркази фаолият юритади. Бинонинг шинам қаватларида ахборот-ресурс маркази ва семинар

хоналари, академик ва тадқиқотчилар учун кабинетлар, кутубхона, мажлислар зали, ошхона жойлашган. Хоналар энг илгор техника ва ускуналар билан жиҳозланган.

— Бу замонавий институти барча олимлар учун маърифат маркази бўлиши керак. Математика кўп фанларга йўл очади. Уни Талабалар шаҳарчасида барпо этганимиз бежиз эмас. Бу институти таълим ва илм-фан ўртасида узвийлиқни таъминлаш, мамлакатимиз ривожига замин яратиши керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

2020 йил 7 майда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Математика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий-тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Унда математика илм-фани ва таълимининг янги сифат босқичига олиб чиқишга қаратилган қатор вазифалар белгиланди.

Шу ерда таълим соҳаси мутасаддилари, ректор ва олимлар билан мулоқот бўлди.

— Математика фанининг тамал тошини Ал-Хоразмий, Ахмад Фароний, Абу Райхон Беруний каби улуг боболаримиз қўйган. Бу бизнинг қонимизда бор. Лекин охириги йигирма йилда математикадан билим даражаси пасайиб кетди. Чунки ўқитувчиларга керакли эътибор, муносиб ойлик бeрoлмaдик, пировард мақсад қўя oлмaдик. Бунинг оқибати ҳозир кўпдан-кўп соҳаларда сезилипти. Бугун бу фанни ривожлантиришдан мақсадимиз — математика бўйича рақобат муҳитини яратиш, саноат, муҳандислик йўналишларида етук кадрлар тайёрлаш, — деди Президент.

Давлатимиз раҳбари жорий йил 31 май куни олимлар билан учрашувда математик онли бoғчaдан бошлаб шакллантириш зарурлигини таъкидлаган эди. Шундан келиб чиқиб, Математика институтида мактабгача таълим, мактаблар ва олий ўқув юр்தларидаги дарсларни мувофиқлаштирадиган тизим йўлга қўйилмоқда.

Шу борадаги тақдирот билан танишар экан, Президентимиз "математика ўқитувчиларининг билим ва малакаси бўйича ҳар бир туман кесимида тахлил бoрми? Моддий ва ташкилий жиҳатдан яна нималар қилишимиз керак?" дея саволлар қўйди.

— Кечаги дарс бериш услуби билан математикани жадал ривожлантириб бўлмайди. Шу боис аввал амалда яхши натижа берган хорижий методика асосида таълим дастурлари яратиб, ўқитувчиларни қайта тайёрлаш зарур. Методика шундай бўлиши керакки, у болаларда математикага муҳаббат уйғотсин. Бунинг учун ўқувчилар бу фан ҳаётда, ҳар бир соҳада кераклигини англаши зарур. Ёшлар имтиҳондан ўтиш учун эмас, билимли мутахассис бўлиш учун ўқилиш лoзим, — деб таъкидлади Шавкат Мирзиёев.

Охириги беш-ўн йилда математика йўналиши бўйича университетларни битирган ёшларни топиб, хоҳишига қараб қайта тайёрлаб, мактабларга, фан номзодларини эса олий таълим муассасаларига ишга жалб этиш муҳимлиги таъкидланди. Математика кафедрa мудирларини сайлаш тартибининг жорий қилиш, кафедра мудирлари кенгашини тузиб, доимий таърибa алмашинувни йўлга қўйиш бўйича кўрсатма берилди.

Математика институтида 72 нафар илмий ходим, жумладан, 5 нафар академик фаолият юритмоқда. Охириги икки йилда 11 нафар фан доктори ва 14 нафар фан номзоди тайёрланган. 422 та илмий мақола (245 таси чет элда), 9 та монография (5 таси чет элда) чоп этилган.

Соҳадаги фундаментал тадқиқотларни молиялаштириш ҳажми бир ярим баробарга оширилди. Халқаро фан олимпиадаларида ғолиб бўлган ёшлар ва уларнинг устозларини рағбатлантириш тизими жорий этилди.

Мулоқотда таълим соҳаси мутасаддилари, олимлар, ректорлар Ўзбекистон шароитида математика фанини ўқитиш бўйича платформа яратилгани, энди таълим муассасалари олдига жамиятда ушбу фаннинг обрўсини юксалтириш вазифаси турганини таъкидлади.

Президент Шавкат Мирзиёев Олмазор тумани Талабалар шаҳарчасида барпо этилган Инновацион ривожланиш вазирлигининг янги биносини бориб кўрди.

Давоми 2-бетда

Бунёдкорлик

ПОЙТАХТИМИЗДА ЯНГИ ЙЎЛ ЎТКАЗГИЧ ҚУРИЛИШИ ПОЁНИГА ЕТМОҚДА

Сергели тумани Кипчок кўчасидаги Тошкент — Ангрен темир йўли йўналиши устидан ўтган транспорт ечимини яқин кунларда фойдаланишга топширилади.



Пойтахтимизнинг Сергели туманида сўнгги 3-4 йилда рўй бeрaётган ўзгаришлар, кенг кўламли бунёдкорлик ишлари уни шаҳар ичидagi шаҳарга айлантириб юбормоқда. Қисқа вақт давомида 460 та кўп қаватли уйнинг фойдаланишга топширилиши туфайли бу ерга 100 мингдан зиёд киши қўчиб келди ва аҳоли сони 276 минг нафардан ошди.

Бунинг натижасида, табиийки, инфратузилма тармоқларига юклама ҳам ортмоқда. Шу боис, бу ерда қўшимча муҳандислик объектлари, тумани шаҳарининг марказий қисми билан бoғловчи йўл ва кўприклар қурилишига катта аҳамият қаратилмоқда. Чунки

улар йўловчиларга катта қулайлик яратиши баробарида транспорт ҳаракати ва тақсимотини ҳам инoбатга олиш зарур.

Мутахассисларнинг ҳисоб-китобича, Тошкент шаҳрида йўл ҳаракатини тўғри ташкиллаштириш натижасида йилга 19 миллион долларлик ёнлиги тежалиши, 129 миллион долларлик тахминий зарарнинг олди олиниши мумкин. Ёки автобуслар сони ва йўналишларини оптималлаштириш йилга 2,5 миллион доллар иқтисодий самара келтиради.

Давоми 3-бетда

Робита

Ҳар йили 15 июнь санаси Шанхай ҳамкорлик ташкилоти куни сифатида нишонланади. Бу йил ушбу тузилма ташкил этилганига 19 йил тўлади.



ЎЗБЕКИСТОН – ШХТ:

БАРҚАРОРЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДА ҲАМКОРЛИК

ШХТ — энг ёш, айна пайтда жадал ривожланаётган халқаро ташкилотлардан бири. Нисбатан қисқа фурсат ичида у маслаҳатлашув механизми форматидан то тўлақонли халқаро ташкилотгача бўлган йўлни босиб ўтди.

Ташкилотнинг 2017 йилдаги кенгайиши, яъни Осиёнинг йирик давлатлари — Ҳиндистон ва Покистоннинг аъзоликка қабул қилинишидан сўнг ШХТ универсал кун тартибига эга бўлган дунёдаги энг йирик минтақавий ташкилотга айланди. Бугунги кунда у дунё аҳолисининг қарийб ярмига (3 миллиард кишидан зиёд) ва Евроосиё ҳудудининг 60 фоизидан кўпроғига тўғри келадиган маконни қамраб олган. 2019 йил натижаларига кўра, ШХТ мамлакатларининг умумий ЯИМ ҳажми жаҳон ЯИМнинг 20 фоизини ташкил этди.

Ўзбекистон Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг илдам ривожига салмоқли ҳиссасини қўшган, унинг ташкил этилишига тамал тошини қўйган давлатлардан биридир.

"Шанхай бешлиги"дан тўла форматдаги минтақавий ҳамкорлик сари ШХТнинг биринчи саммитида (Шанхай шаҳри, 2001 йил 14-15 июнь) Қирғизистон, Қозоғистон, Россия, Тожикистон, Хитой ва Ўзбекистон раҳбарлари Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг ташкил этилиши тўғрисидаги декларацияни имзолаган.

Ушбу ҳужжатнинг қабул қилиниши билан 1990-йилларда чегара ҳудудларда ҳамкорлик ва ишончни мустаҳкамлаш мақсадида вужудга

келган "Шанхай бешлиги"нинг (Россия, ХХР, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон) доимий ишчи органларга эга тўлақонли фаолият юритувчи халқаро ташкилотга айланишидек катта институционал ўзгариш рўй берди. Бу, ўз навбатида, кенг Евроосиё макониде минтақавий барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш ҳамда сиёсий, иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳаларда улкан ҳамкорлик салоҳиятига эга бўлган энг йирик минтақавий ташкилотлардан бирига асос солинганини аниқлар эди.

Марказий Осиёда барқарорликни таъминлаш, халқаро терроризм ва экстремизм, гиёҳвандлик моддаларининг ноқонуний айланиши ҳамда таҳдидларига кўра, ШХТ мамлакатларининг умумий ЯИМ ҳажми жаҳон ЯИМнинг 20 фоизини ташкил этди. Ўзбекистон Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг илдам ривожига салмоқли ҳиссасини қўшган, унинг ташкил этилишига тамал тошини қўйган давлатлардан биридир.

Давоми 2-бетда

Онлайн мулоқот

ХМТ ВА ЎЗБЕКИСТОН: ҲАМЖИҲАТЛИК САМАРАСИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

2020 йил 12 июнь куни Олий Мажлис Сенати Раиси, Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш миллий комиссияси раиси Т.Норбоева ҳамда Халқаро меҳнат ташкилоти бош директори Г.Райдер иштирокида видеоанжуман тарзида учрашув бўлиб ўтди. Унда тегишли вазирлик ва идоралар, халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Тадбирда қайд этилганидек, сўнгги йилларда мамлакатимизда аҳоли бандлигини таъминлаш, муносиб меҳнат шaroитларини яратиш, мажбурий меҳнатнинг олдини олиш борасида муҳим ислохотлар амалга оширилмоқда. Бу йўналишда кейинги йилларда ўн бешта меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди. Халқаро меҳнат ва халқаро миграция ташкилотларининг олти та конвенция ҳамда протоколи ратификация қилинди.

Видеоанжуманда, шунингдек, Ўзбекистонда COVID-19 га қарши муҳим тадбирлар амалга оширилаётгани, пандемия оқибатида келиб чиққан глобал инқирознинг таъсирини юмшатиш, аҳоли даромадларини сақлаб қолиш, корхоналарнинг барқарор фаолият юритишини таъминлаш борасида ўзига хос чоралар қўйилаётгани қайд этилди. Бу йўналишда Президентимизнинг 17 та фармон ва қарори қабул қилинди. Мазкур ҳужжатлар асосида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, бандлигини

таъминлаш, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш бўйича қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда.

— Ушбу учрашув айнан Жаҳон болалар меҳнатига қарши курашиш кўнига тўғри келгани билан ҳам аҳамиятлidir, — деди Сенат Раиси Т.Норбоева. — Зеро, Халқаро меҳнат ташкилоти билан ҳамкорликни шу кунда бошлаган эдик. Бугун бу ҳамкорликнинг ижобий натижаларига гувоҳ бўлмоқдамиз. Айна пайтда Ўзбекистон ва Халқаро меҳнат ташкилоти ўртасида ҳамкорлик тобора кенгаймоқда. 2019 йилда Ўзбекистон томонидан мазкур ташкилотнинг учта конвенцияси ва битта протоколи ратификация қилинди. Бугунги кунда миллий қонунчилигимиз ушбу конвенцияларга тўла мослаштирилди. Бу ишларни давом эттирган ҳолда жорий йилда яна учта конвенцияни ратификация қилиш масаласини қўриб чиқмоқдамиз.

Давоми 3-бетда

ҲАР БИР СОҲАДА ИЛМ РИВОЖЛАНСА, ПИРОВАРД НАТИЖАДА ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИК ТАЪМИНЛАНАДИ

Бошланиши 1-бетда

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 29 ноябрдаги фармонида мувофиқ Инновацион ривожланиш вазирлиги ташкил этилган эди. Иқтисодиётнинг барча тармоқлари ва ижтимоий соҳаларни жаҳон илм-фани ютуқлари, инновацион гоялар ва технологиялар асосида жадал ривожлантириш ушбу вазирлиқнинг вазифалари этиб белгиланганди.

Уша йили вазирлик учун Талабалар шаҳарчасидан жой танланиб, илгор илм-фан ютуқларини мужассам этган, олимлар, тадқиқотчилар ишлаши учун замонавий муҳитга эга бино қуришга киришилганди.

Давлатимиз раҳбари 2017 йил 2 декабрь ва ўтган йил 24 майда бунёдкорлик ишларининг бориши билан жойининг ўзида танишиб, ушбу вазирлик олимларнинг илмий салоҳияти бирлашадиган, инновацион гоялар стартапларга айланиб, иқтисодиёт тармоқларига жорий этиладиган марказ бўлиши зарурлигини таъкидлаган эди.

Шу асосда ҳар томонлама пухта лойиҳа ишлаб чиқилди. Натижада бу ерда пойтахтимиздаги меъморий жиҳатдан кўркем бинолардан бири қад ростлади.

5 қаватли бинода инновацион муҳит яратилган. Биринчи қаватда кўргазмалар зали, амфитеатр, ёш ихтирочилар хонаси, ахборот бўлими, электрон кутубхона, қаҳвахона, болалар хонаси, фуқаролар қабулхонаси жойлашган. Иккинчи қаватда Инновацион ишланмаларни жорий этиш илмий-амалий маркази, робототехника ва механика, интернет дастурлари бўйича замонавий лабораториялар ташкил этилган. Илмий-техник ахборот маркази, Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги Интеллектуал дастурий тизимлар илмий-амалий маркази, стартап хоналари учинчи қаватда жойлашган. Юқори қаватлардан вазирлик ходимлари учун кабинетлар, анжуманлар заллари ўрин олган. Бу ерда аэрокосмик тадқиқотлар ва 3D прототиплаштириш бўйича ўқув лабораториялар ҳам фаолият кўрсатади.

Био атрофидида инновацион богда фаввора, ёзги амфитеатр, тақдирот майдончалари барпо этилган.

Президентимиз дастлаб интерфаол кўргазма зали — “Showroom” билан танишди. Ушбу кўргазма етакчи хорижий ва маҳаллий компанияларда ишлаб чиқарилаётган инновацион маҳсулотлар, стартап лойиҳалар тўғрисида маълумот беради. У турли соҳалардаги 37 та лойиҳани қамраб олувчи 8 та блокдан иборат.

Бу ерда робототехника, технологиялар трансферига тегишли ва Ёшлар академияси аъзолари лойиҳалари, қишлоқ ҳўжалиги, соғлиқни сақлаш, давлат бошқарувидаги инновациялар намойиш этилади, “акли” банк фаолият кўрсатади.

Масалан, робототехника бурчагида етакчи хорижий компанияларнинг роботлари жойлаштирилган. Бу ерга келувчилар роботларни асаси ёки бошқариб қўриши мумкин. Соҳани чуқурроқ ўрганиш истагида бўлганлар ўрганишларини иккинчи қаватдаги робототехника ўқув-тадқиқот лабораториясида давом эттиради.

Иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳага оид технологиялар трансфери бўлимида юқори технологиялар, “ноу-хаулар”, “акли” қурилмалар, қўндалик ҳаётда қўлланадиган инновацион жиҳозлар билан танишиш мумкин.

Исроилнинг “Maya International” компанияси билан ҳамкорликда сўнғий йўлдош орқали қувурлардан сув сизилини аниқлайдиган технология Тошкент шаҳрига трансфер қилинди. Ушбу лойиҳада сўнғий йўлдош орқали қувурлардан сув ва газ сизиш нуқталарини аниқлаш мумкин.

Маълумотларга кўра, пойтахтимизнинг магистрал қувурларидаги носозликлар туфайли

йилига 215 миллион куб метр сув исроф бўлар экан. Буни пулга қасқа, 5 миллион доллардан ортиқ маблағ дегандир. Мазкур технология бундай исрофгарчиликларнинг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга.

Қурилиш ва автосаноат соҳаларига тегишли яна бир лойиҳа — импорт ўрнини босувчи, экспортга йўналтирилаётган полиэфир шпатлёвка ва полиэфир елим ишлаб чиқариш технологияси трансфери Инновацион ривожланиш вазирлиги ва Польшанинг “Novol Asia” қўшма корхонаси томонидан мувофажиятли амалга оширилди. Ўзида тўлдирувчи ва безак берувчи хусусиятларни мужассам этган ушбу шпатлёвка автомобил саноати ва мебелсозликда қўлланилиши мумкин.

Малайзиянинг “Cy Rewards” компанияси билан ҳамкорликда жорий этилаётган арзон уйлар қуриш технологияси ҳам тақдим этилди. Бу технологиянинг афзаллиги 2-3 қаватли уйлари қисқа вақтда қуриш имконини беради. Бунда бир квадрат метр уйнинг таннарихи уч юз доллар бўлади.

Вазирлик биносидида интерактив студияда онлайн дарслар, вебинарлар ўтказиш, видеодарслар ёзиш мумкин. Бу студия “Бир миллион дастурчи” лойиҳаси доирасида ёшларни ўқитиш, масофавий мулоқот орқали жойлардаги мутахассислар малакасини оширишда ҳам қўл келди.

— Мамлакатимиз юқори технологик соҳалар бўйича дунёдан ортда қолиб кетган. Барча соҳаларни модернизация қилиш, жаҳон билан ҳамкадам бўлиш учун Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиб, шундай шароитлар яратди. Вазирлик жамоаси йил якуни бўйича бу борада аниқ амалий натижаларни кўрсатиши керак, — дея таъкидлади Шавкат Мирзиёев.

Президентимиз видеоалоқа тизими орқали вазирлиқнинг Илгор технологиялар маркази мутахассислари билан мулоқот қилди.

Давлатимиз томонидан одамларни илм-фанга қизиқтириш ва рағбатлантиришга қатта эътибор қаратилмоқда. Вазирлиқнинг янги замонавий биносидида бунинг учун барча шароит мўжайё. Иқтидорли ёшлар бу ерда энг сўнғий ишланма ва технологиялар билан танишиш баробарида стартап лойиҳаларда иштирок этиш имкониятига эга бўлади.

Бинода кенгайтирилган виртуал реаллик технологияси — NazAR платформаси ишга туширилган. Бу технология фойдаланувчиларга қўлдаги смартфон орқали дунё объектлари билан интерфаол муносабатларга киришиш имконини беради.

Президентимиз тиббиётдаги инновациялар, Ёшлар академияси аъзоларининг лойиҳалари, гўзанинг вилт касаллигига чидамли янги навларини яратиш, ген-нокаут технологияси ёрдамида картошка ва бугдой ҳосилдорлигини ошириш, Корея технологияси асосида қишда қовун етиштиришга мўлжалланган иссиқхона лойиҳалари билан танишди. Вазирлик ахборот хизмати, кутубхона, анжуманлар залини кўздан кечирди.

Бугунги кунда Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан илм-фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги интеграцияни таъминлаш учун зарур тизим яратилди. Илмий-тадқиқот муассасалари ва олимларнинг инновацион гоя ва лойиҳалари қўллаб-қувватланиб, қиймати 28,2 миллиард сўмлик 31 та стартап лойиҳа молиялаштирилди. Халқаро ҳамкорлик доирасида ҳозирги кунда Германия, Россия ва Беларусдаги шериклар билан 9,6 миллиард сўмлик 38 та қўшма лойиҳа амалга оширилмоқда.

Вазирликка берилган ваколат ва яратилган шароитлардан самарали фойдаланиш, ишланмаларни соҳа ва тармоқларга татбиқ этиш бўйича топшириқлар берилди.

Файзли хонадон — чинакам бахт ошиёни.

Муқим иш жойи эса доимий даромад кафолатидир. Одамларимизнинг ўз ҳаётидан рози бўлиб яшашида ҳар икки омилнинг ўрни муҳим. Шу боис, мамлакатимизда юритилаётган кучли ижтимоий сиёсат орқали аҳолининг айни шу эҳтиёжини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиляпти.

Бундан бир йил олдин, 2019 йил 24 май кунги Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Миллий университетда олий таълим ва илм-фан намоёндалари билан учрашган эди. Олим ва педагогларнинг ижтимоий шароитларини яхшилаш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб, улар учун қўп қаватли уйлар қуриш бўйича кўрсатмалар берганди.

Шунга мувофиқ, Тошкентдаги Талабалар шаҳарчаси ҳудудида 6 та 9 қаватли 216 хонадонга мўлжалланган уй бунёд этилди.

Қайд этиш лозимки, ушбу қўп қаватли уйлари қуришда энг замонавий қурилиш материалларидан фойдаланилган. Инновацион технологиялар асосида биноларнинг ташқи деворлари энергия тежамкор материаллар билан қопланган. Бу уйлар қишда иссиқ, ёзда салқин бўлишини таъминлайди.

Бундан ташқари, ҳар бир хонадон алоҳида иситиш мосламалари билан жиҳозланган, видеокузатув тизимига эга. Хонадонлар таъмирланган, газ плитаси, сантехника буюмлари ўрнатилган ҳолда эгаларига топширилди.

Давлатимиз раҳбари Олмасор туманига таширфи доирасида мазкур уйларда яратилган шароитларни кўздан кечирди, хонадон эгалари билан суҳбатлашди.

— Сизларни, сизлар орқали бу ерда яшайдиган барча оилаларни табриклайман, мана шу шинан, замонавий уйлар муборак бўлсин! Ўзим ҳам қишлоқдан келиб, 15 йил ижарада ашаган одам сифатида бу нарсанинг қадрини жуда яхши ҳис қиламан. Биз олим ва педагоглардан натижа кутардиги, шароитини сўрамасдик. Сизларни ҳам рози қиладиган вақт-соат келди. Илмли одамлар — мамлакатимизнинг олтин фонди. Уларнинг қўлида келажакимиз бўлган болаларимиз тарбияланади. Ўқитувчилар уйли бўлиб, оиласидан қўнгли тўқ бўлса, касбига меҳр билан, Ватанга садоқат билан ишлайди. Бу уйлар сизларга бюрсин, шу ерда тўйлар қилинлар. Фарзандларингиз, невараларингиз ота-онам илмини танлаб кам бўлмади, деб юрсин, — дея зғу ниятлар билдирди Президент.

Кейинги йилларда мамлакатимизда соғлиқни сақлаш соҳасида хусусий секторни ривожлантиришга қаратилган ислохотлар натижасида жойларда замонавий тиббий муассасалар ишга туширилмоқда.

Олмасор туманидаги “Nano Medical Clinic” қўп тармоқли тиббиёт клиникаси ана шундай субъектлардан бири.

Ўтган йили декабрда ишга туширилган терапевтик бинода маслаҳат поликлиникаси, 35 ўринли стационар, ядро тиббиёти, гемодиализ ва терапия бўлимлари, лаборатория жойлашган. Ушбу комплекс чет эл лойиҳаси асосида барпо этилган.

Давлатимиз раҳбари бу қурилиш лойиҳасига алоҳида эътибор қаратди. Ҳар бир метр ердан оқилана фойдаланиб, ҳамма жиҳатлар ҳисобга олингани, бошқа объектларни лойиҳалаштиришда бунинг ўрганиш кераклигини таъкидлади.

Клиникада эндокринология, неврология, кардиология, офтальмология, урология, оториноларингология, ультратовуш таъхиси, терапия, физиотерапия бўйича консерватив даволаш йўлга қўйилган. Шифо маскани рақамли рентген, компьютер томографияси, суяк денситометри, юрак дефибриллятор каби илгор диагностика ускуналари билан жиҳозланган. Бу ерда 15 нафар олий

тоифали шифокор фаолият олиб бормоқда.

Муҳим жиҳати, клиникада радионуклид текширувига асосланган ядро тиббиёти ва интервенцион радиология жорий қилинган. Бу турли эндокрин ва онкологик касалликларни аниқлаш ва даволашда қатта самара беради. Ушбу йўналишлар Атом энергетикаси бўйича халқаро агентлик (МАГАТЭ) назоратида ташкил этилган. Бундан ташқари, Германия, Туркия, Россиядаги етакчи тиббий марказлар билан ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Гемодиализ бўлими сурункали буйрак етишмовчилигига олиб келиши мумкин бўлган ва бошқа ички аъзоларнинг аниқ диагностикаси ҳамда даволаш ишларини бажарилади. Бўлимда гемодиализ, гемодиализация ва плазмаферез каби операциялар амалга оширилмоқда.

Клиника мутахассислари томонидан суяк тўқимасининг минерал зичлигини аниқлашнинг диагностика усули (Ультратовуш суяк денситометри) ҳам муваффақиятли бажарилмоқда. Бу текширув орқали суяк тизими тўлиқ ўрганилиб, остеопороз хавфи бор ёки йўқлиги аниқлаб олинади. Денситометрия тақдим этган маълумотлар жуда қимматли бўлиб, шифокор суяк тўқималарининг миқдорий зичлигини рақамли ҳисоб-китоб орқали батафсил ўрганади.

Бугунги кунда лойиҳанинг иккинчи босқичи доирасида уч қаватли жарроҳлик биноси қурилмоқда. Бу аҳолига жаҳон стандартлари даражасида тиббий хизмат кўрсатиш ва яна 60 та янги иш ўрни ташкил этиш имконини беради.

Шу ерда давлатимиз раҳбарига хусусий тиббиёт тизимида амалга оширилаётган ишлар, соғлиқни сақлаш соҳасига ахборот технологияларини жорий этиш ва улардан самарали фойдаланиш борасидаги режалар ҳақида ҳам маълумот берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 апрелдаги “Соғлиқни сақлаш соҳасида хусусий секторни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда ўша йил 29 декабрдаги “Хусусий тиббиёт ташкилотларини янада ривожлантириш бўйича қўшимча шарт-шароитларни яратиш тўғрисида”ги қарорлари бу борадаги имкониятларни кенгайтирди.

Мисол учун, хусусий клиникалар шугўлланиши мумкин бўлган ихтисосликлар 50 тадан 129 тага кўпайтирилди. 2022 йил 1 январгача солиқ ва боғхона тўловлари бўйича имтиёзлар берилди.

Натижада 2017 йилда хусусий тиббиёт муассасалари 3 минг 454 тани ташкил қилган бўлса, жорий йил 1 июнь ҳолатига кўра, 5 минг 612 тага етган. 11 мингдан ортиқ иш ўрни яратилган.

Худудларда замонавий клиникалар ташкил этиб, тиббий хизматлар бўйича рақобатни, пировардида сифатни таъминлаш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш юзасидан кўрсатмалар берилди.

Давлатимиз раҳбари, шунингдек, Олмасор туманидаги “ARDENT FOODS” масъулияти чекланган жамияти корхонасида бўлди.

Бу ширкат бўш турган бинолар негизида янги субъектлар ташкил этиш ва иш ўринлари яратишга қаратилган сиёсат самараси.

Лойиҳа қиймати 77 миллиард сўмдан зиёд бўлган корхона иккита линиядан иборат. Бирини йигирмага яқин турдаги қандолат маҳсулотлари, иккинчисиди тез пияшадиган овқат ингредиентлари ишлаб чиқарилмоқда. 150 киши иш билан таъминланган.

Ҳозирги кунда маҳсулотлар Тожикистон ва Афғонистонга экспорт қилинади. Янги экспорт бозорларини очиб, жорий йил якунида экспорт ҳажмини 45 минг долларга етказиш режалаштирилган.

Маҳсулотлар турини кўпайтириб, қўшимча иш ўринлари яратиш бўйича кўрсатмалар берилди. Президент Олмасор туманидаги “Next

Generation Product” қўшма корхонаси фаолияти билан ҳам танишди.

Бу ерда “Royal” савдо белгиси остида йилига 460 минг дона электр ва қуёш энергияси асосида ишловчи сув иситиш ускунаси, Германиянинг “Viesmann” бренди остида 75 минг дона сув иситиш қозони ишлаб чиқарилади. Корхонада жами 530 киши иш ўрни билан таъминланган.

Маҳсулотлар Россия, Украина, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон ва Афғонистонга экспорт қилинмоқда.

Пандемия шароитига қарамай корхонада ишлаб чиқариш суръати пасайгани йўқ. Январь-май ойларида 1,8 миллион долларлик экспорт амалга оширилди. Йил якунигача кўрсаткичи 7 миллион долларга етказиш мўлжалланган.

Давлатимиз раҳбарига шу ерда истиқболдаги лойиҳалар ҳақида ҳам маълумот берилди. Президентимиз маҳсулотлар турини кўпайтириб, қўшимча иш ўринлари яратиш бўйича кўрсатмалар берди.

Президент Шавкат Мирзиёев мутасадди раҳбарлар иштирокида Олмасор тумани фаоллари, нурунийлар билан учрашув ўтказди.

— Охириг уч йилда Олмасорга тўрттинчи марта келямиз. Туманда ўзгариш бўляптими, одамлар манфаат қўраётми, нима муаммолар бор, деган саволлар мени қийнайди. Бугун натижаларни таҳлил қилиб, сизлар билан бамаслаҳат янги йўналишлар ва режаларни белгилаб олишимиз керак, — деди давлатимиз раҳбари.

Туманда камбағалликни қисқартириш, инвестиция лойиҳаларини амалга ошириб, янги иш ўринлари ташкил этиш, аҳолининг турмуш шароитларини яхшилаш масалалари муҳокама қилинди.

Уйма-уй юриш орқали Олмасорда 3 минг 23 та ёрдамга муҳтож оила борлиги аниқланган. Шундан 568 оила аъзоси ишга жойлаштирилиб, ёрдамга муҳтожлар томфасидан чиқарилди. Бош вазир ўринбосари қолган 2 минг 455 оилани йил охиригача камбағалликдан олиб чиқиш бўйича ҳисобот берди.

Жорий йилда қиймати 3 триллион сўм бўлган 48 та инвестиция лойиҳаси ишга туширилиши режалаштирилган. Бош вазир ўринбосари тўлиқ ишлатилмаётган 12 та давлат объекти ва илгари хусусийлаштирилиб, ҳозир бўш турган 97 та бино ва ер майдонлари негизида янги корхоналарни ташкил этиш бўйича лойиҳа таклифларини тақдимот қилди.

Давлатимиз раҳбари янги лойиҳалар учун имкониятларни кенгайтириш мақсадида Тошкент туманининг Олмасорга яқин ҳудудидан 200 гектар ер ажратиб, янги саноат зонаси барпо этишни таклиф қилди. У ерда ташкил этиладиган корхоналарда қиймати 60 мингта янги иш ўрни яратиш мумкин бўлади.

“Чорсу бозори”, Зарқайнар, Сағбон, Себзор, Қорасарой, Гўзалбоғ ва бошқа кўча-маҳаллаларда, жами 482 гектар майдонда замонавий туристик, савдо ва дам олиш маскани — “очиқ осмон остидаги музей” барпо этилади. Бу ерда хўнарамандчилик дўконлари ва расталари, чойхона ва меҳмонхоналар, кичик музейлар ташкил этилади.

“Агрегат” заводини Чирчиққа кўчирган ҳолда, унинг ҳудудида Олмасор аҳолиси учун 12-14-16 қаватли арзон уйлар қуриш, Тошкент туманида Олмасорга яқин ҳудудда 260 гектар ерда 150 минг аҳолига мўлжалланган йўлдош шаҳарча барпо этиш бўйича топшириқлар берилди.

Жамоатчилик вакиллари туманда амалга оширилаётган ишлар бўйича фикр ва таклифларини билдирди.

Матназар ЭЛМУРОДОВ,
Зиёдулла ЖОНБЕКОВ,
Ўза муҳбирлари

Робита

ЎЗБЕКИСТОН – ШҲТ: БАРҚАРОРЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДА ҲАМКОРЛИК

Бошланиши 1-бетда

ШҲТ ривожлангани сайин ҳар йили ўтаказиладиган саммитларнинг ҳам кўн тартиби, қамрови мунтазам кенгайиб боради. Сиёсат, маънавият, дипломатия, ташқи савдо, иқтисодиёт, туризм, транспорт, илм-фан, таълим ва маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорлиқни ҳар томонлама ривожлантириш каби устувор масалалар ана шулар жумласидандир.

Бугунги кунда ШҲТ тизимида давлат ва ҳукумат раҳбарлари, тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари даражасида 30 га яқин низомий орган, қўп томонлама ҳамкорлиқнинг 40 га яқин эксперт механизми мавжуд. ШҲТ доирасида 1350 дан ортиқ ҳужжатдан иборат мустақам халқаро норматив-ҳуқуқий база яратилган.

Ўтган йиллар давомида ташкилотнинг халқаро нуфузи сезиларли даражада ўсди. Бунга қузатувчи давлатлар (Афғонистон, Беларус, Эрон ва Мўғулистон ҳамда мулоқот бўйича шериклар (Арманистон, Камбоджа, Непал, Озарбайжон, Туркия ва Шри-Ланка) институтларининг жорий этилгани

муҳим омил бўлди. Бугунги кунда ШҲТ ўнлаб халқаро ташкилотлар, шу жумладан, БМТ, АСЕАН, МДҲ ва бошқа қўп томонлама тузилмалар билан шериклик алоқаларини йўлга қўйган.

Ўзбекистоннинг ШҲТ тараққиётига қўшган ҳиссаси Ўзбекистон томонининг саъй-ҳаракатлари ҳар доим қўп томонлама ҳамкорлиқни кенгайтириш, ўзаро ишонч ва маслаҳатлашув, маданиятлар хилма-хиллигига нисбатан ҳурмат ҳамда биргаликда тараққий этиш каби “Шанхай руҳи”нинг асосий тамойилларини рўйбга чиқаришга қаратилган.

Мамлакатимиз ўзининг ташкилотдаги таъсирини нафақат аъзо давлатларнинг турли йўналишлардаги ҳамкорлигини кенгайтириш, балки унинг норматив-ҳуқуқий ва институционал асосларини мустаҳкамлашга йўналтириб келади.

2003-2004 йилларда Ўзбекистоннинг ШҲТга илк бор раислиги даврида Хавфсизлик кенгаши котиблари учрашуви механизми яратилди, Минтақавий акселератор тузилмасининг Тошкент шаҳридаги жойлашуви тартиби, ШҲТ ҳузуридаги қузатувчи мақоми тўғрисидаги низоми қабул қилинди. Айнан ўша

даврда Покистон, Ҳиндистон, Эрон ва Мўғулистон ташкилотда қузатувчи давлат мақоми оиди.

2009-2010 йилларда Ўзбекистоннинг ШҲТга иккинчи бора раислиги пайтида ШҲТ фаолияти янги босқичга кўтарилди. 2010 йил апрелда ШҲТ ва БМТ Котибиятлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги қўшма декларация имзоланди, ташкилотда иш юритиш масалаларини тартибга солишда муҳим ҳужжат ҳисобланадиган ШҲТнинг иш юритиш қоидалари ва ШҲТга янги аъзоларни қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқланди.

2016 йил 23-24 июнда ШҲТнинг 15 йиллик юбилейига тўғри келган, Тошкентда бўлиб ўтган саммит ва унда эришилган натижалар қўламини аҳамиятига кўра, ҳеч муболағасиз, ташкилот тарихида ўта муҳим воқеа бўлди. Айнан Тошкент саммити якунига кўра, Ҳиндистон Республикаси ва Покистон Ислон Республикасининг ШҲТга аъзо давлат мақоми олиш йўлидаги мажбуриятлари тўғрисидаги меморандумлар имзоланди ва шу билан ташкилотнинг кенгайиши учун йирик қадам қўйилди.

Ўзбекистон ва ШҲТ ҳамкорлиги янги

босқичда: конструктивизм, прагматизм ва ташаббускорлик мамлакатимизнинг қўп қиррали амалий ҳамкорлиқни янада ривожлантиришдаги ташаббускорлиги кейинги йилларда яққол намойён бўлмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёев ШҲТнинг Остона (2017 йил), Циндао (2018) ва Бишкек (2019) саммитларида Марказий Осиё ва бутун ШҲТ маконининг транспорт-транзит салоҳиятини тўлиқ ишга солиш, туризм соҳасида ўзаро ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш, инновацион ривожланиш, ёш авлодни қўллаб-қувватлаш, халқ дипломатиясини ШҲТ халқлари ўртасидаги дўстлик ва ўзаро англашуви мустаҳкамлашда самарали восита сифатида қўллаш, шунингдек, минтақавий хавфсизликни таъминлашда ҳамкорлиқни янада кучайтиришга қаратилган қатор ташаббуслар билан қилди.

Тошкентнинг тузилма фаолиятида иштироки жадаллашуви “ШҲТ — Афғонистон” мулоқот гуруҳи ишини қайта тиклаш имконини берди. Ўзбекистон тақлифига кўра, ташкилот доирасида Тошкентда ШҲТ Халқ дипломатияси маркази, Темир йўл маъмуриятлари

раҳбарлари учрашуви механизми, Самарқанд шаҳрида “Ипак йўли” халқаро туризм университети каби янги ҳамкорлик платформалари яратилди, ШҲТга аъзо давлатлар раҳбарларининг ёшларга қўшма муурожаати, Минтақалар ҳамкорлик тўғрисидаги дастур, Рақамлаштириш ва ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги ҳамкорлик концепцияси қабул қилинди.

Мамлакатимиз ШҲТга аъзо давлатлар ўртасида прагматик ва узоқ муддатли ҳамкорлиқни чуқурлаштиришга қаратилган ҳамда кенг “ШҲТ макони”ни ривожлантиришнинг улкан салоҳиятини тўлиқ очиб бериш имконини берувчи янги истиқболли йўналишларни олға суриш тарафдоридир.

Онлайн мулоқот

ХМТ ВА ЎЗБЕКИСТОН: ҲАМЖИҲАТЛИК САМАРАСИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ



Бошланиши 1-бетда

Яна бир муҳим янгилик. 2020 йилдан бошлаб мамлакатимизда пахта етиштириш ва сотиш бўйича давлат буюртмаси бекор қилинди. Бу пахтачиликда босқичма-босқич

бозор муносабатларига ўтиш, мажбурий меҳнатдан фойдаланишга олиб келадиган омилларни бартараф этишга имкон беради. Видеомулоқотда қайд этилганидек, жорий йилда биринчи маротаба миллий маърузачи томонидан ушбу йўналишда амалга

оширилган ишлар таҳлил этилиб, Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот берилди.

Тадбирда, шунингдек, бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири Н.Хусанов, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси раиси Қ.Рафиқов, Савдо-саноат палатаси раиси А.Икромовнинг мазкур йўналишдаги фаолияти юзасидан ахбороти эшитилди.

Халқаро меҳнат ташкилоти бош директори Г.Райдер Ўзбекистонда пандемия оқибатида келиб чиққан глобал инқирознинг салбий таъсирини юмшатиш, аҳоли ва тадбиркорларни иқтисодий-ҳимоялаш борасида амалга оширилаётган ишларни алоҳида эътироф этди. Шу билан бирга, бу борадаги ишларнинг самарадорлигини янада ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар берди.

Онлайн учрашувда икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш мақсадида 2021-2023 йилларга мўлжалланган янги дастур ишлаб чиқишга келишиб олинди.

Баҳор ХИДИРОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Бунёдкорлик



ПОЙТАХТИМИЗДА ЯНГИ ЙЎЛ ЎТКАЗГИЧ ҚУРИЛИШИ ПОЁНИГА ЕТМОҚДА

Бошланиши 1-бетда

Президентимиз бу масалага доимий эътибор қаратиб келмоқда. Жорий йилнинг 29 май кунини Сергели тумани фаоллари билан учрашувда ҳам транспорт инфратузилмасини ривожлантириш чоралари муҳокама қилиниб, ҳудудни пойтахтимиз маркази билан боғловчи йўл ва кўприк лойиҳаси ҳақида маълумот берилган эди. 4 июнь кунини давлатимиз раҳбари ушбу лойиҳа билан танишди. Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан Туркиянинг “Kalyon” компанияси ҳамкорлигида ишлаб чиқилган мазкур лойиҳанинг умумий қиймати 280 миллион сўмдан зиёд. Унга кўра, Чўпонота кўчаси ва Кичик ҳалқа йўли кесилишмасида 583 метрлик йўл ўтказгич барпо этилади.

Бу чорраҳадан Тошкент ҳалқа автомобиль йўлигача янги кўча қурилиб, ҳалқа йўли остидан туннель орқали ўтказилади ва Қўпчоқ кўчасида қурилатган янги кўприкка тушади. Натижада жами 5,6 километрлик бу йўл соатиға 3 мингта транспорт воситасини ўтказиш қувватига эга бўлади.

Одамларнинг ҳар кунлик режаларига, кайфиятига, соғлиғига таъсир қиладиган энг катта омил — транспорт тақсими, — деди Президентимиз. — Йўллар қуриб, тирбандликни камайтиришдан мақсад шаҳар аҳолиси ва меҳмонларга қўлайлик яратишдир. Бу ишларни бугун қилмасак, йилдан йилга қийинлашиб бораверади. Бугун қилсак, келажакда харажат камайд.

Ҳозирги кунда Сергели туманидан шаҳар марказига келиб-кетадиган автомобиллар асосан битта йўл — Янги Сергели кўчаси орқали ҳаракатланади. Шу боис, унда қатнов жуда кўп, юклама ҳам катта. Аяниқса, эрталаб ва кечга яқин бу кўча тирбанд бўлиб қолади. Ушбу янги йўл ва кўприклар қурилиши натижасида Сергели туманига транспорт қатнови тирбандлиги 50 фоиз, транспорт харажати вақти эса 20-25 дақиқага камайд.

Сергели тумани Қўпчоқ кўчасидаги Тошкент — Ангрен темир йўли йўналиши устидан ўтган транспорт ечимини ҳам худди шу мақсадларга хизмат қилад. Бу ишларга “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятининг “Кўприк қурилиш трести” унитар корхонаси жамоаси ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда. Айни пайтда бу йўл ўтказгич қурилиш ишлари якунига етмоқда.



Ушбу йўналиш Сергели туманининг энг серкатнов жойларидан бири бўлиб, 2 та йирик худудни бир-бирига боғлайдиган асосий транспорт йўлига ҳисобланади. Бироқ Қўпчоқ кўчасидан Тошкент — Ангрен темир йўли йўналиши ўтган ва узок йиллардан бери, айниқса, сўнгги пайтларда ундан юк ва йўловчи поездларнинг кундалик мунтазам қатнови

ортиб борапти. Қопаверса, аҳолининг ишга бориш ва қайтиш пайтида транспорт қатнови ҳам тизиллашиб кетади. Айни шу чоғда поездларнинг ўтиши билан йўлнинг ёпилиши автомобиль коммуникацияси ҳамда аҳолининг ҳаракатланиши учун катта ноқулайлик тугдиради. Бундан ташқари, Тошкент — Ангрен йўналишида йўловчи поездлари қатнови сонининг ошиши ҳам мазкур кесилишнинг янада кўпроқ ёпилишига сабаб бўляпти. Мазкур муаммони йўл ўтказгич қуриш воситасида ҳал этиш мумкин эди. Ниҳоят, 2018 йилга келиб, шундай иншоотни қуришга киришилди. “Кўприкқурилишлойиҳа” унитар корхонаси ҳамда “Боштрансройиҳа” акциядорлик жамияти мутахассислари томонидан йўл ўтказгич лойиҳаланди. Шундан сўнг “Кўприк қурилиш трести” унитар корхонасининг 13-кўприк қурилиш отряди жамоаси томонидан қурилиш-монтаж ишлари бошлаб юборилди.

Бугунги кунга қадар йўл ўтказгични бунёд этишда лойиҳа режасига асосан белгиланган

умумий 18 таянч устуни ва 4 та тиргак девор қуриб битказилди. Шунингдек, 208 та оралқ темир-бетон конструкция воситаси, қурувчилар тили билан айтганда, балкалар ўрнатилди. Тиргак деворлар оралиғи 22,507 митр куб метр қум-шағал аралашмаси билан тўлдирилган. Иншоотнинг ўтиш қисмида гидроизоляция, ҳимоялаш, текислаш ва дастлабки қатлам асфальт ётқириш ишлари якунланди. Айни пайтда эса 3 ва 4-тиргак деворлар оралиғидаги ана шундай юмушлар давом эттириляпти.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, бугунги кунга келиб ушбу йўл ўтказгичнинг қарийб 90 фоизга яқин қурилиш-монтаж ишлари якунланган. Эндигида асфальт ётқириш, ёри-тиш чироқларини ўрнатиш ва пиёда йўлакларини пардозлаш ҳамда ободонлаштириш билан боғлиқ юмушларни охирига етказиш зарур бўлади.

Йўлларимизда пиёдалар ҳаракати, одамларнинг ҳаловати, саломатлиги устувор бўлиши керак. Яқин кунларда фойдаланишга топшириладиган Сергели туманидаги навбатдаги транспорт ечимида ҳам худди шу жиҳатлар инобатга олингани боис одамлар йиллар давомида орзу қилган қўлайликка эришилади. Бинобарин, юк ва йўловчи поездларининг хавфсиз ва тезкор қатнови учун шароит ҳам тубдан яхшиланади.

Рустам ХАЙДАРОВ,
“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятининг ахборот-таҳлилий медиа маркази мутахассиси

Абдурауф ҚОРЖОВОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Матбуот анжумани



Музаффар АБДУЛЛАЕВ олган суратлар

ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИ: ФАОЛИЯТ ТАҲЛИЛИ ВА ИСТИҚБОЛДАГИ ВАЗИФАЛАР

Лутфулла СУВОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Миллий матбуот марказида “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси корхоналарини янада ривожлантириш борасида сўнгги йилларда амалга оширилаётган ишлар, келажакда соҳа олдида турган долзарб вазифалар ва пандемиядан сўнг саноатнинг ривожланиш истиқболлари масалаларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Ўзбекистон тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноати мамлакатимиз иқтисодиётининг реал секторига етакчи мавқега эга. Кейинги йиллардаги изчил ишлар натижасида соҳада кескин ўзгаришлар рўй берди ва тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноати мамлакатимизнинг стратегик жиҳатдан муҳим бўлган тармоқларидан бирига айланди.

“Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси раиси Илҳом Хайдаров саноатнинг сўнгги йиллардаги ишлаб чиқариш кўрсаткичларига эътибор қаратиб, тизим кейинги йилларда мамлакатимизнинг етакчи соҳасига айланиб бораётганини таъкидлади. Жумладан, 2016-2020 йиллар мобайнида ип-калага ишлаб чиқариш 1,7 баробар, ип-газлама - 2 баробар, трикотаж мато - 1,8 баробар, тайёр тикув маҳсулотлари 2,7 баробар ўсишига эришилди.

Республикада етиштирилган пахта толасини қайта ишловчи корхоналар қувватлари 2010 йилда 270 минг тоннани, яъни атғи 27 фоизни ташкил этган бўлса, 2017-2019 йилларда маҳаллий тўқимачилик корхоналарини замонавий технологиялар билан қайта жиҳозланиши ва рақамлаштириши кенг қўлланиши оқибатида пахтани қайта ишлаш 920 минг тоннага етказилиб, 2010 йилга нисбатан 3,2 баробар ортди. 2020 йилнинг биринчи ярим йиллигида қувватлар 1 030 тоннага етказилди.

Шунингдек, мамлакатимизда 2017-2019 йилларда тўқимачилик ва тикув-трикотаж соҳасида жами 184 та янги лойиҳа амалга оширилди ва бунинг натижасида 33 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилди. Сўнгги йилларда Германия, Швейцария, Хитой, АҚШ, Россия, Туркия, Жанубий Корея, Сингапур, Ҳиндистон каби давлатлардан жалб қилинган инвестициялар миқдори уч миллиард доллардан ошди.

Пахта-тўқимачилик кластерлари тизимининг жорий этилиши соҳа ривожига янги босқични бошлаб берди.

Дастлаб 2017 йилда тўқимачилик корхоналари томонидан Навоий вилояти Қизилтепа туманида тажриба тариқасида ташкил этилган кластер тизими кенгайтирилиб, 2018 йилда 15 та, 2019 йилда 75 тага етказилди. Улар томонидан 88 та туманда 677,5 минг гектар майдонда пахта хомашёси ана шу усулда етиштирилиб, жами икки миллион тоннадан ортиқ пахта хомашёси тайёрланди. Бундан ташқари, 9,4 минг гектар майдонда томчилатиб суғориш тизимлари ва 311 та янги сув насоси ўрнатилди. Шунингдек, 12,6 минг дон қишлоқ ҳўжалиги техникаси ва юқори умумли 232 та пахта тегиш машинаси сотиб олинди.

Ижобий тажрибадан келиб чиқиб, 2020 йилда пахта-тўқимачилик кластерлари сони 96 тага, ер майдонлари эса 913 минг гектарни ташкил этмоқда.

Сир эмаски, бир неча ойдан бери пандемия глобал иқтисодиётга фаол таъсир кўрсатмоқда. Бу эса турли мамлакатларда

лик ва тикув-трикотаж соҳасида жами 184 та янги лойиҳа амалга оширилди ва бунинг натижасида 33 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилди. Сўнгги йилларда Германия, Швейцария, Хитой, АҚШ, Россия, Туркия, Жанубий Корея, Сингапур, Ҳиндистон каби давлатлардан жалб қилинган инвестициялар миқдори уч миллиард доллардан ошди.

Пахта-тўқимачилик кластерлари тизимининг жорий этилиши соҳа ривожига янги босқични бошлаб берди.

Дастлаб 2017 йилда тўқимачилик корхоналари томонидан Навоий вилояти Қизилтепа туманида тажриба тариқасида ташкил этилган кластер тизими кенгайтирилиб, 2018 йилда 15 та, 2019 йилда 75 тага етказилди. Улар томонидан 88 та туманда 677,5 минг гектар майдонда пахта хомашёси ана шу усулда етиштирилиб, жами икки миллион тоннадан ортиқ пахта хомашёси тайёрланди. Бундан ташқари, 9,4 минг гектар майдонда томчилатиб суғориш тизимлари ва 311 та янги сув насоси ўрнатилди. Шунингдек, 12,6 минг дон қишлоқ ҳўжалиги техникаси ва юқори умумли 232 та пахта тегиш машинаси сотиб олинди.

Ижобий тажрибадан келиб чиқиб, 2020 йилда пахта-тўқимачилик кластерлари сони 96 тага, ер майдонлари эса 913 минг гектарни ташкил этмоқда.

Сир эмаски, бир неча ойдан бери пандемия глобал иқтисодиётга фаол таъсир кўрсатмоқда. Бу эса турли мамлакатларда

пахта нархи пасайиши, экспорт ва импорт ҳажми камайиши, етказиб бериш занжирини узилиши ва ишлаб чиқариш тўхтатилишига олиб келди. Ушбу жараён Ўзбекистон тўқимачилик саноатини ҳам четлаб ўтмади.

Пандемиянинг тўқимачилик саноатига салбий таъсирини юмшатиш, корхоналарни молиявий қўллаб-қувватлаш ва уларда иш ўринларини сақлаб қолиш мақсадида саноат корхоналарига бир қатор имтиёзлар берилди.


Ўз вақтида қўрилган чора-тадбирлар натижасида корхоналар фаолияти қайта тикланди ва барча иш ўринлари сақлаб қолинди, маҳсулот ишлаб чиқариш ва экспорт суратлари ўсишда давом этмоқда.

Бундан ташқари, мавжуд карантин қоидаларига қатъий риоя қилган ҳолда тўқимачилик ва тикув-трикотаж корхоналари аҳолига ҳимоя никоблари ва комбинезонларини етказиб бериб, уларнинг кунлик ишлаб чиқарилишини 6 миллион дондан оширишга эришди, апрель ойининг ўрталаридан эса ҳимоя никоблари Россия, Украина, Франция, Кувейт, Озарбайжон, АҚШ каби давлатларга экспорт қилина бошланди.

Пандемиянинг маҳаллий иқтисодиётга таъсирини камайтириш мақсадида, энг аввало, худудларда янги корхоналарни ташкил этиш, аҳолини иш билан таъминлаш ҳамда уларнинг реал даромадларини ошириш саноат олдидаги энг устувор вазифалардан бири ҳисобланади.

Жорий йилнинг ўтган даврида умумий қиймати 49,8 миллион доллар бўлган 12 та лойиҳа фойдаланишга топширилиб, 2 минг 200 та янги иш ўрни яратилган бўлса, йил охиригача худудларда тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатида умумий қиймати 598,4 миллион доллар бўлган 53 та йирик лойиҳа амалга оширилиши режалаштирилган. Мазкур лойиҳалар 13 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратиш имконини беради.

ЎЗБЕКИСТОНДА КОРОНАВИРУС БИЛАН КАСАЛЛАНГАН ВА СОҒАЙГАНЛАР БЎЙИЧА МАЪЛУМОТ



Кузатув

ИШЧИ ГУРУХ НАМАНГАНДА

аҳоли даромадларини оширишга эътибор қаратилмоқда

Гулсум ШОДИЕВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Президентимиз жорий йилнинг 26 май куни инвестиция масалалари муҳокамасига бағишланган видеоселектор йиғилишида пандемиянинг иқтисодий таъсирини юмшатишга қаратилган ишловларни, бу йўлда жорий қилинган имтиёзларни аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига тўғри ва манзилли етказишдаги ишлар кўнгилдагидек йўлга қўйилганини таъкидлаган эди.

Шу билан бирга, туман, шаҳар, вилоят ҳокимлари, вазирларнинг ҳар ойда бир марта Президент қарорлари ижроси бўйича парламент вакиллари ва кенг жамоатчилик олдида ҳисобот бериб бориш механизми йўлга қўйилиши борасида аниқ кўрсатмалар бериб ўтган эди.

Табиийки, тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ имтиёзлар, яратилаётган шароитларни уларга ўз вақтида ва тўғри тушунириш парламент кўйи палатасида фаолият юритаётган депутатлар зиммасига жуда катта масъулият юклайди. Жумладан, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари маҳаллий кенгашга сайланган депутатлар билан бирга Президентимизнинг пандемияга оид қарорлари ва топшириқлари ижроси юзасидан бир қатор туманларда ўрганишлар олиб бормоқда.

Масалан, Наманган вилояти туманларида бўлган мулкдорлар давомиди тадбиркорлар, фермерлар ва томоқчиликлар ўз фаолиятларини янада ривожлантириш борасида қатор тақдирлар, фикрлар билдиришмоқда ва аниқланган муаммолар жойида ечим топилишига эришилмоқда.

— Чортоқда қишлоқ хўжалиги соҳасида қўллаб-қувватлашнинг лойиҳалар амалга оширилаётганига, эҳтижманд оилалар рўйхати шакллантирилиб, улар оилавий бизнес бошлашига кўмаклаштиришга гувоҳ бўлдик, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Барно Мирзамоева. — Президентимизнинг 2020 йил 1 майдиги “Коронавирус пандемияси даврида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш, қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорнинг ижроси доирасида туманда 22 та лойиҳа ишлаб чиқилган. Туман аҳолиси бандлигини таъминлаш мақсадида “Ойқирон миришкорлари” ММТП ҳудудидаги “Ахорқўжа Сожира” фермер хўжалиги томонидан 20 йилдан буюн фойдаланилмаётган адирлиқдаги 106 гектар майдон ўзлаштирилиб, 52 гектарда гўза парваришланмоқда. Бунинг натижасида 50 га яқин янги иш ўрни яратилган. “Ҳамид Олимжон бўстони” агрофирмаси кам таъминланган аҳоли учун 20 гектар ерда 2 сотихдан иссиқхона қуриб беришда кўмаклашмоқда. Шунингдек, тумандаги “Wall nuts of Chartak” фермер хўжалиги кооперативи фойдаланиб бўлмайдиган 41,4 гектар ер майдонини қайта ўзлаштириб, Туркиядан олиб келинган ёнғоқ кўчатлари экиди ва кўчат ораларига экин экиш учун кам даромадли хамда ногиронлиги бор 35 нафар фуқарога бўлиб берди. Туманда “Наманган fisheries” МЧЖ томонидан 1 гектар ерда садок усулида балик етиштиришни йўлга қўйиш бўйича лойиҳа ҳам кўздан кечирилди. Лойиҳанинг умумий қиймати 4,3 миллиард сўм бўлиб, унинг 1,2 миллиард сўми ташаббускорнинг ўз маблағи ҳисобидан ва 3,1 миллиард сўми банк



кредити ҳисобидан амалга оширилади. Лойиҳани тезлаштириш мақсадида тадбиркорни кредит маблағи билан таъминлаш бўйича Марказий банкка тақлиф киритилиши белгилаб олинди.

Бундан ташқари, депутатлар вилоятнинг Поп ва Мингбулоқ туманларида ҳам бўлиб, тадбиркорлик субъектлари, фермер хўжаликлари ва томоқча ер эгалари билан мулоқот қилди, уларнинг муаммолари ва тақдирларини ўрганди.

Поп туманида агрокластерларни ташкил қилиш, боғдорчиликни ривожлантириш борасида қатор лойиҳалар амалга ошириб келинмоқда. Унга кўра, туманда “Namangan agro logistik” ҳамда “Agro HUB” МЧЖларга қарашли мева-сабзавотчилик кластерлари ташкил этилди. Агрокластерларга жами 2 588 гектар, шундан 365 та фермер хўжалиги ихтиёридаги 2 494 гектар ва кластерларнинг 94 гектар ер майдонлари ажратилди.

Ишчи гуруҳ кластерлар фаолиятини кўздан кечириб экан, тадбиркорлар билан суҳбат жараёнида бог ва тоқзорларни сув тежовчи технологиялар асосида сугориш орқали камроқ сарф-харажат қилиниб, ҳосилдорлигини янада ошириш мумкинлигини таъкидлаб ўтдилар.

Ушбу ҳудудда истиқомат қилаётган кам таъминланган ва эҳтижманд оилаларга ҳам ер майдонлари ажратиб бериляпти. Бу орқали аҳолини камбағалликдан чиқариш ва даромадларини оширишга эътибор қаратилмоқда.

Ишчи гуруҳ вакиллари Мингбулоқ туманида аҳоли бандлигини таъминлаш, шу орқали инқироздан чиқариш борасида амалга оширилиши режалаштирилаётган лойиҳалар билан ҳам танишди. Унга кўра, туманда 41 гектар ер майдонидида шолчилик, 28,7 гектар ерда металл конструкцияли ва тоғчиллатиб сугориладиган иссиқхона кооперативларини ташкил этиш белгиланган. Бу лойиҳаларни амалга оширишда 10 миллиард сўмлик субсидиялар ажратилиш орқали 1370 нафар кам таъминланган, ишсиз фуқароларнинг бандлигини таъминлаш кўзда тутилган.

Ёшлар — келажакимиз



ФАРҒОНА ТАЖРИБАСИ: ИННОВАЦИОН ҒОЯЛИ ЯНГИ АВЛОД ТАДБИРКОРЛАРИ ШАКЛЛАНТИРИЛАДИ



Шароф РАЖАББОВЕВ,
инновацион ривожланиш
вазирининг биринчи
ўзиринсари

Тадбиркор — ишлаб чиқариш ва бошқарувнинг янги усулларини қўллаб даромад олувчи шахс. Замонавий ишбилармон хамиша ўз бизнесини кенгайтиришга, рақобат шароитида янада ривожланиб, мустақам оёққа туриб олишга ҳаракат қилади. Бундай гайрат ва шижоат эгалари бошқалар кўрмаган, пайкамаган, аҳамият қаратмаган нарсалардан иқтисодий фойда олишга қодирдир. Тадбиркорлик фаолиятининг асосини янги имкониятларни излаб топиш ҳамда улардан фойдаланиш, яъни тизимли инновацион ёндашуш ташкил этади.

Тараққий этган мамлакатлардаги тадбиркорлик фаолиятининг таҳлили айнан кичик ва ўрта бизнес вакилларининг инновацион ғояларини ўзлаштириш, юқори технология ишлаб чиқаришни ривожлантиришда катта ўринга эга эканини кўрсатади. Айбатта, йирик корпоратив корхоналар ҳам инновацияларни қўллаб, чунки уларда бунинг учун етарли капитал мавжуд. Кичик ва ўрта бизнес вакиллари эса топланган ғояларини хатарга қўйиб бўлса ҳам новаторликка интилади.

Фарғона вилоятида мана шундай инновацион ғояли янги авлод тадбиркорларининг қўлғили уларнинг таърибасини Ўзбекистонга ёйиш заруратини таъкидламоқда. Бунинг фарғоналик ёшлар тақдим этган стартап лойиҳалардан ҳам

билса бўлади. Бунга мисоллар жуда кўп. Келинг, баъзиларини келтириб ўтай. Масалан, қишлоқ хўжалиги ирригация насосларини сув энергиясидан фойдаланиб, кичик ГЭС ёрдамида электр энергияси билан таъминлашга қаратилган лойиҳа фермерларнинг оғирини енгил қилишга қаратилган. Дунёда, хусусан, юртимизда энергияга талабнинг ортиши, энергия нархларининг ошиб бориши, шунингдек, ёнғил-энергетика ресурсларининг камайиши ва атроф-муҳитнинг ифлосланиши қайта тикланган энергия манбаларидан кенг фойдаланишни талаб этмоқда. Шу сабабли энергияни кўп талаб қилаётган қишлоқ хўжалиги ирригация тизимида қайта тикланувчан энергия манбаларидан фойдаланиш долзарбдир.

Яна бир лойиҳа мобилъ светофор бўлиб, транспорт ҳаракатлини суриштириш бўлган йўлларда таъмирлаш ишларини бажариш, махсус тадбирлар ўтказиш, пидедалар, айнисска, богча тарбияланувчилари, мактаб ўқувчилари ва кекса ёшли аҳолининг йўлни кесиб ўтиш хавфсизлигини таъминлаш учун транспорт ҳаракатини вақтинчалик тартибга солишга мўлжалланган. Ақли мобилъ светофорнинг панели автоматик тарзда қўёшга қараб йўналлади. Чироқларнинг ёруғлик ўзгарувчанлиги туфайли офтоб нури тушганда хиралашиб қолмайди, масофадан бошқарилади. Чироқларининг ўчиб-ёниш тезлигини ўзгартириш мумкин. Маҳаллий хомашедан тайёрланади.

Яна бир стартап лойиҳа сотувчилик дўконлар тизимидир. Унда катта бўлмаган дўконларда харидорлар ўзига ўзи хизмат кўрсатади. Махсусотни пештахтадан олишдан бошлаб, пул тўлашгача бўлган барча жараён сотувчи кўмагисиз амалга оширилади. Яқин келажакда Фарғона шаҳрида мана шундай ўнла дўкон қурилиб, ишга туширилиши режалаштирилди.

Фарғоналик иختирочилар томонидан тақдир этилаётган яна бир лойиҳа фантастик воқеалик ҳўшайди: махсус дастур ёрдамида мобилъ телефон орқали енгил аўтомобилни ҳайдовчисиз бошқариш мумкин. Йигирмадан ортиқ функцияга эга мазкур қурилма Wi-Fi орқали аўтовловнинг исталган масофага ҳайдовчисиз бошқариш таъминлайди.

Бундай лойиҳаларга қўллаб-қувватлаш мумкин. Тадбиркорлар инновацион фикрлай бошладилар. Демак, уларнинг

новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлашнинг шарт.

Фарғона шаҳрида янги ишга тушган Ёшлар инновацион маркази иқтидорли ўқувчилар, талабалар, ёш олимлар, тадбиркорлар ва ишлаб чиқариш корхоналари вакиллари биллаштирувчи маскан бўлиши кўзда тутилмоқда. Фарғона политехника институтини билан ҳамкорликда инновацион марказнинг манжий давоми сифатида технопарк ҳам ташкил этишга келишилди. Ёшлар инновацион марказида шакллантирилган ғоялар ва лойиҳалар технопаркда амалий якунига етиб, махсусотта айлантирилади. Ғоялар эса, таъкидланганидек, кўп. Биргина Фарғона политехника институтини олимлари томонидан маҳаллий хомашедлар асосида ишлаб чиқарилган шўрланлишга қарши “Антишўр” воситаси ҳамда иссиқ ва совуқдан химияловчи “Izofull” сувоқ наноконламалари ишлаб чиқаришга тайёр.

Бундан ташқари, Ёшлар инновацион марказида ҳўдуддаги ёшларнинг роботехника, мехатроника ва 3D моделлаш йўналишлари бўйича кўникмасини ошириш тизими йўлга қўйилди. Улар учун ўндан ортиқ янги иш ўрни яратилди. 2020-2021 йилларда 500 нафардан ортиқ ёш ишга дастурлаш, робототехника ва конструкторлик йўналишлари бўйича тўғарақларда текин ўқиш илк имкони яратилди. Робототехника бўйича халқаро даражада ташкил этиладиган мусобақалар, кўрик-танлов ва олимпиадаларда Фарғона вилоятининг имкониятларини оширишга эришилди.

Ёшлар бундай марказда самарали ўқиш учун мактабда билимларни пухта ўзлаштирган бўлиши лозим. Шундай экан, Фарғона шаҳрида айни кўнларда фаолият юритаётган ақли мактаб лойиҳасига янада кўпроқ эътибор қаратиш талаб этилади. Ўзбекистондаги маҳаллий мутахассислар томонидан яратилган тақдир этилаётган яна бир лойиҳа фантастик воқеалик ҳўшайди: махсус дастур ёрдамида мобилъ телефон орқали енгил аўтомобилни ҳайдовчисиз бошқариш мумкин. Йигирмадан ортиқ функцияга эга мазкур қурилма Wi-Fi орқали аўтовловнинг исталган масофага ҳайдовчисиз бошқариш таъминлайди.

Бундай лойиҳаларга қўллаб-қувватлаш мумкин. Тадбиркорлар инновацион фикрлай бошладилар. Демак, уларнинг

назорат қилиши мумкин. Электрон журнал, электрон кўндалик, ота-оналар билан онлайн маълумот алмашиш, имтиҳонлар жадвали ва натижаларини онлайн кузатиб бориш имкони, онлайн дарс жадвали ўқувчиларнинг дарсларда тўлиқ қатнашиши ва ўзлаштириш самардорлигини янада оширишга ёрдам беради.

Ўқитувчиларнинг ўқувчиларни электрон журналда баҳолаши ва ота-оналарга электрон кўндаликни кузатиб бориши учун янада қўлайлиқ яратиш мақсадида “Ақли мактаб” дастурининг мобилъ иловаси ҳам муваффақиятли ишлатилмоқда.

Вилоятдаги тибийет муассасаларида янги “MedQ” дастурий таъминоти жорий этилади. Унинг асосида шифокорлар қабулида навбатда турганларни онлайн кузатиш ва масофадан навбатга ёзилиш, тибийет ҳодимларининг иш режасида ҳамда иш жойида бор-йўқлиги ҳақидаги маълумотларни масофадан аниқлаш, дори-дармон қидириш, аниқлаш, уларга буюртма бериш ҳамда етказиб бериш хизматидан фойдаланиш мумкин.

Бугунги кундаги глобал масалалардан бири камбағалликни камайитириш, пандемия туфайли юзага келган оғир иқтисодий шароитда аҳолини иш билан таъминлашдир. Фарғоналик новатор тадбиркорлардан бири ўзи ихтиро қилган махсус материалдан сифатли, рақобатбардор, экспортга йўналтирилган копточлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйган. Копточни ишлаб чиқариш учун битта стол ва икки киши ишлаши етарли. Демак, мана шу ишлаб чиқаришни кластерга айлантириб, касаначиликни ҳам ривожлантириш мумкин. Бу жараёнда ҳам аҳоли иш билан таъминланади, ҳам ишлаб чиқариш объектига сарф-харажат қилинмайди.

Бугунги кундаги глобал масалалардан бири озиқ-овқат хавфсизлигидир. Уни таъминлашнинг энг синалган усули маҳаллий уруғчиликни ривожлантирган ҳолда сифатли қишлоқ хўжалиги махсусотларини етиштиришдан иборат. Геномика ва биоинформатика маркази олимлари 2020 йилнинг март ойида Кува туманидаги Анорчилик марказига in vitro технологияси ёрдамида қўлайтирилган тўрт хил (Авуст ширин, Қом анори, Тўятли ва Қизил пўнчок) анор навининг соғломлаштирилган кўчатлардан 800 түп етказиб бериб, кўчатзорлар яратишди. Бундан ташқари, марказ олимлари бу анор навларининг генетик паспортларини яратиб, анорчилик марказига тақдим этишди.

Тадбиркорлар, олимлар, тадқиқотчиларнинг ҳамкорлигидаги фаолияти, уларнинг муштарак мақсадлар сари биргаликдаги ҳаракати инновацион ғояли янги авлод стартапчилари шаклланишига хизмат қилади. Мана шу авлоднинг илк қалдирғочлари тарихан иждоҳкор халқи билан танилган Фарғона заминидан етишиб чиқаётгани рост.

Олий таълим

ЮРИДИК ТАЪЛИМ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛМОҚДА

Рисолат МАДИЕВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Мамлакатимизда бир неча йиллар давомида малакали ҳўқуқшуносларни тайёрлаш ва юридик фанни ривожлантиришга тўқийлик қилаётган қатор муаммолар ва камчиликлар мавжуд бўлиб, тизимга салбий таъсир қилиб келаятган эди.

Бу эса, ўз навбатида, юридик таълим ва фанни тубдан такомиллаштириш чораларини қўриш зарурлигини таъкидламоқда. Давлатимиз раҳбарининг шу йил 29 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасида юридик таълим ва фанни тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони юридик таълимдаги долзарб масалаларга самарали ечим бўлди.

Мазкур фармон ижроси доирасида Тошкент давлат юридик университетининг мўтлақо янги, замонавий тузилмаси ташкил топаётди. Мамлакатимизнинг учта ҳудудида юридик факультетлар ташкил этилиб, кадрлар билан таъминланмоқда. Янги ўқув йилига тайёргарлик қўриш ва ўқув дастурларини шакллантириш масалалари тизимли тарзда амалга ошириб келинапти.



Бундан ташқари, Тошкент давлат юридик университетида талабаларни қабул қилиш жараёни ҳам тубдан ўзгармоқда. Авваллари университетда факультетлар бўлмаган, курс-деканатлар тузилмаси мавжуд эди. Илгор таърибани ўрганган ҳолда бакалаврият босқичида тўртта факультет ташкил этилди. Ўтган йилларда абитуриентлар умумий тарзда юриспруденция йўналиши учун ҳўжжат топширган бўлса, энди тўртта факультетда алоҳида ҳўжжат топшириш мумкин бўлади.

Таъкидланганича, жорий йилда тўртта йўналиш бўйича иккита фандан имтиҳон ўтказилади. Тест синовларида иштирок этиш учун абитуриентлар шу йилнинг 15

июнидан 15 июлига (шу кўни ҳам) қадар Ягона интерактив давлат хизматлари портали ёки Давлат тест маркази расмий веб-сайти орқали 24 соатлик режимида онлайн рўйхатдан ўтиши лозим.

Тест синовлари 25 июль — 20 август кўнлари кўп сикимли павилонларда бўлиб ўтади. Абитуриентлар ўзи хоҳлаган ҳўдудда тест синовларини топшириши мумкин.

2020/2021 ўқув йилида Тошкент давлат юридик университети бакалавриятига ўқишга кириш бўйича чет тилдан ўтказиладиган тест синовларидан озод этиш ва ушбу фандан максимал балл олиш учун чет тилларни билиш бўйича сертификатлар даражалари CEFR миллий сифатификати бўйича B2 ва ўндан юқори, IELTS сертификати бўйича 5.5 (бунда writing модулидан 5.5 балл) ва ўндан юқори,

TOEFL сертификати бўйича 72 балл, бошқа тиллар бўйича тегишли миллий ва халқаро сертификатлар бўйича B2 ва ўндан юқори бўлиши талаб этилади.

Хорижий давлатларнинг турдош олий таълим муассасалари билан қўша таълим дастурларини жорий этиш бўйича ишлари олиб боришмоқда. Жумладан, Россия “Иқтисодиёт олий мактаби” миллий тадқиқот университетининг ҳўқуқ факультети, Беларусь Республикаси Гродно университетининг ҳўқуқ факультети ҳамда Қўзғистон гуманитар юридик университетининг ҳўқуқ мактаби билан қўша таълим дастурларини жорий этиш бўйича келишувга эришилган.

Ёзма ишлари қабул қилиш, шифрлаш, текшириш учун юбориш, баҳолаш ва натижаларни умумлаштириш, дарс

жадвалларини шакллантириш, талабалар ва педагог ҳодимлар портфолиосини шакллантиришнинг тўлиқ электронлаштириш бўйича “Электрон университет” лойиҳаси жорий этилмоқда.

— 2019/2020 ўқув йилининг баҳорги семестридан Талабалар рейтингини аниқлаш электрон тизими (SRS) такомиллаштирилди, — дейди Тошкент давлат юридик университети ректори Раҳимов. — Инсон омилини истисно қилган ҳолда яқиний нazorat ишларини талабалар томонидан бевосита электрон тизимга жойлаш, тизим томонидан ишларни автоматик равишда шифрлаш ва тегишли кафедраларга юбориш тизими ишлаб чиқилди. Шунингдек, талабалар ишлари бўйича ўқитувчи томонидан ёзилган тахрирларнинг ҳам бевосита талабага қўришни учун имконият яратилди. Бу эса, ўз навбатида, талабаларнинг ўқув-ўқувий бошқармага келиб ёзма ишларни топшириши, бошқарма ҳодимларининг уларни кодлаб, ҳар бир ишга қўлёзма шаклда кодларни ёзиб қиқиши, ўқитувчилар текширигандан кейин кодларни талабалар номига ўтказиш, талабаларни ёзма ишлар натижаси билан таъиништириш каби кўп вақт оладиган, жуда кўп қозғ сарфлашга сабаб бўладиган ва муҳими, коррупцион омилларни келтириб чиқариши мумкин бўлган ҳўлатларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Янги ўқув йилида 1-курсдан бошлаб мутахассислик фанларини ўқишга ўтиляпти. Номутахассислик фанлар эса тубдан қисқартрилди.

Европа кредит тизимини жорий этиш бўйича ҳам университетда қатор ишлар олиб боришмоқда. Жумладан, 2020/2021 ўқув йили учун ўқув режаларининг ушбу тизимга мослаштирилган лойиҳалари тайёрланди. Кредит-модуль тизимида талабалар билимининг баҳолаш мезонларининг янги тахрири лойиҳаси ҳамда Тошкент давлат юридик университетида ўқитишнинг кредит тизими бўйича низоом лойиҳаси ишлаб чиқилди. Ҳўзирги вақтда ушбу лойиҳаларни такомиллаштириш ишлари амалга оширилмоқда.

Университет ўқув режалари, малака талаблари ва фан дастурларини тубдан такомиллаштириш бўйича ҳам муайян ишлар олиб боришмоқда. Университет битирувчиларининг асосий иш беришчи бўлган Адлия, Таъқи ишлар, Ички ишлар, Жисмоний тарбия ва спорт, Бандлик ва меҳнат муносабатлари, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирликлари, Олий суд, Бош прокуратура, Адвокатлар палатаси, Савдо-саноат палатаси, Интеллектуал мулк агентлиги билан ҳамкорликда ўқув режалари, малака талаблари ва фан дастурларини шакллантириш бўйича ҳамкорлик қилинмоқда.

Миллат фидойилари

Бу дунё кураш майдонидир.
Бу майдоннинг қуроли соғлом жисму
тан, ўткир ақл ва яхши ахлоқдир.

Абдурауф ФИТРАТ



БУЮК МУТАФАККИР, ТАРБИЯЧИ, ИСЛОҲОТЧИ ВА ЖАМОАТ АРБОБИ




Обиджон ХАМИДОВ,
Бухоро давлат
университети ректори,
иқтисод фанлари доктори

"Хар бир миллатнинг саодати ва иззати, албатта, шу халқнинг ички интизоми ва тотувлигига боғлиқ. Тинчлик ва тотувлик эса шу миллат оилаларининг интизомига таянади. Қаерда оила муносабати кучли интизомига таянса, мамлакат ва миллат ҳам шунча кучли ва муаззам бўлади". Шундай инсонлар бўладики, ўз ҳаётини, илмини, меҳнатини ватан ва миллат равнақига бахшида этади. Жаҳон тараққиётига ўзининг беназир хиссасини қўшади. Мана шундай улут аждодларимиздан бири Абдурауф Фитратдир. Мақолаимиз ибтидоида мутафаккирнинг фикрларини бежиз келтирмадик. Зеро, Фитрат сиймоси улут маърифатпарвар, миллатсевар қиёфасида бизни эзгуликлар сари чорлаб туради.

Абдурауф Фитрат 1886 йилда Бухорода Абдурахимбой оиласида таваллуд тоилган. Отаси ўз замонининг ўқимли кишиларидан бўлиб, саррофлик, кейинчалик савдогарлик билан шуғулланган. Ониси Насират биби тоғли тузум 1940 йилларгача "халқ душмани"нинг онаси тамғаси билан хорликка мубтало қилган. Фитрат оилада тўнчи фарзанд эди. Укаси Абдурахмон ўтган асрнинг ўзини йилларида Когон босмахонасида харф терувчи бўлиб ишлаган. Синглиси Махбуба Раҳимова яхши шеърлар ёзган, аммо акиси туйфайли шойра сифатида шуҳрат толмаган.


Ижодий диапозони кенг бўлган Фитрат дастлаб эски мактабда, кейин Мир Араб мадрасасида таҳсил олган. 1909 йилда Бухорода ташкил этилган "Тарбияти атфол" жамияти ёрдами туйфайли бухоролик бир неча ёшлар билан Истанбулдаги дорулмуаллиминда ўқийди. Айрим маълумотларга кўра, ҳатто Истанбулдаги ўқув юрларидан бирида дарс беради. Закий ва юртпарвар шоир "Бухоро тамими (умумий) маориф жамияти"ни ташкил этиб, Туркияга ўқишга келган ватандошларининг шу жамият атрофида уюлиши ва таҳсил қилишига раҳбарлик қилади. Ана шундай фидойи ва халқпарварлиги билан бутун турк оламида забот этади. У илми, ижоди, фаолияти билан ўз даврида алоҳида ажралиб турган энг ёрқин сиймо эди.



Шайхнинг асарлари

Садриддин Айний бундай дейди: "Бу даврнинг очик фикрли ёшларидан бири Абдурауф Фитрат эди. Бу шахс Бухоро талабалари ичида энг қобилиятли ва фозилларидан бири ҳисобланарди". Дарҳақиқат, Туркиядаги таҳсил ва ижтимоий-сиёсий вазият Фитрат дунёқарашида туб бурилиш ясади. У "Мунозара", "Ҳинд сайёҳи баёноти" асарлари, "Сай-ҳа" шеърлар тўпламини яратиб, нашр эттирди. Шойрининг бу асарлари Бухорогача етиб келди ва маҳаллий ёшларни илм-маърифатга, юксалишга ундади. Фитрат 1913 йилда Бухорога маориф ва маданий-ижтимоий қурилиш борасидаги янги ғоялар билан қайтиб келди.

Қисқа муддатда Бухоро жадидчилик ҳаракати етакчиларидан бирига айланди. Унинг "Раҳбари нажот", "Оила", "Бегижон", "Мавлуди шариф", "Або Муслим" каби асарлари XX аср ўзбек публицистикаси ва драматургияси ривожига муҳим ҳисса бўлиб қўшилди. Фитрат педагог сифатида "Мухтасар ислом тарихи", "Ўқу" каби дарсликларни яратди. У оила тўғрисидаги билимларини Шарқ ва Ғарб олимларининг қўлаб қўйган илмий тадқиқотлари билан танишиб чиқиш жараёнида мустаҳкамлаб, ният оила масаласида шундай мукаммал йўриқнома илмий дунёга келтирдики, ҳозирги кунга қадар ҳам унинг долзарблиги ва аҳамияти йўқолгани йўқ. Унинг "Оила ёки оила бошқариш тартиблари" асари бүгунги кун ёшларига ибрат ва намуна тимсоли сифатида ҳам маънавий, ҳам маърифий қўлланмадир. Уни барча ёшларга ўқиш учун тавсия қилиш мумкин.




Мазкур китоб Бухорода 1914 йили ёзилиб, 1915 йилда чоп этилган. Асар чуқур ва кенг билимларга асосланган. У инсонларга ахлоқ-одобдан сабоқ беришда, оила тутиш қонун-қоидаларини ўргатишда муҳим аҳамият касб этади.

Абдурауф Фитратнинг кўп фикрлари ва хулосалари ҳозир ҳам долзарб: "Халқнинг ҳаракат қилиши, давлатманд бўлиши, бахтли бўлиб иззат-ҳурмат топиши, жаҳонгир бўлиши, заиф бўлиб хорликка тушиши, фақирлик жомасини кийиб, бахтсизлик юкини тортиб эътибордан қолиши, ўзгаларга тобе, қул ва асир бўлиши болалиқдан ўз ота-оналаридан олган тарбияларига боғлиқ".

Ҳозирги давр кундалик ҳаётимизни назарга олганидек у: "Бу дунё кураш майдонидир. Бу майдоннинг қуроли соғлом жисму тан, ўткир ақл ва яхши ахлоқдир", дея ўқитган.

Исломушунослик фани ва дунёвий илмлардан бохабар бўлган Фитрат ҳуқуқшунос, социолог, педагог ва табиб сифатида ҳам намоён бўлади. Хусусан, у ўз асарларида Қуръон оятлари ва ҳадислардан далиллар келтириб, оила, фарзандлар тарбияси, меҳр ва муруват, инсонийлик ғояларини илгари суради. "Одамнинг феъл ва ҳаракатини бир яхши шакл ва мазмунга келтириш учун руҳини тарбиялаш лозим. Болаларни ўзига ишонган, кучли, топқир, чаққон ва ақлли қилиб тарбиялаш учун ўз қадр-қиммати, шаънини ҳурмат қилиш руҳини тарбия қилмоқликни, шунинг билан бирга, ён-атрофдаги одамлар билан ҳисоблашишни ўргатмоқ керак... Болаларни шундай тарбия этиш лозимки, бахтга бўлган интилишлари ҳеч қачон ҳазон бўлмасин... Ота-она болага мамнунлик ва хурсандчилик қилиши ман этмаслиги, балки ахлоққа зид бўлмаган ишлар билан мамнун ва хурсанд бўлишнинг қўлаб-қувватлаши керак", дейди у.

Ислохотчи ва публицист сифатида ҳам "Хуррият" газетасида ўткир мақолалари билан чиқиш қилади. Фитратнинг Тошкентдаги энг катта хизматларидан бири "Чигатой гурунги" жамиятини ташкил этиши эди. Мазкур жамият уч йилгина фаолият юритган бўлса-да, фақат ўзбек тили ва адабиётигагина эмас, умум-



Ёшлар тарбияси ва келажаги билан жиддий қизиққан Фитрат ўз сафдоши Файзулла Хўжаев билан биргаликда 60 дан ортиқ ёшни Германияга ўқишга юборди. Фитратнинг саёй-ҳаракатлари билан бир қанча хайрли ишлар амалга оширилади. Жумладан, Бухорода давлат театри очилишида ҳам унинг хизматлари катта эди. Ватан ва миллат равнақи учун курашган аллома Москва, Ленинград олийгоҳи талабаларига ҳам таҳсил беради, Лазерев номидаги Шарқ тиллар институтида, Шарқшунослик илмий-тадқиқот институтида ишлади. Жумладан, Ленинград давлат университети уни профессор-ликка сайлади. Фитрат бу университетнинг Шарқ факультетида профессор сифатида Шарқ халқлари тили, адабиёти, маданиятидан маърузалар ўқиди.

Шу билан бирга, Москвада "Абул-файзхон" номи биринчи ўзбек трагедиясини ёзди ва нашр эттирди. Москвадан Ўзбекистонга қайтган, тилшунос олим сифатида "Ўзбек тили қоидалари тўғрисида бир таъриб": Сарф (1-китоб), Наҳв (2-китоб), "Сарфи забони тожик" каби илмий асарларни яратди. Адабиётшунос олим сифатида эса "Адабиёт қоидалари", "Энг эски туркий адабиёт намуналари", "Ўзбек адабиёти намуналари", "Фурс шоири Умар Хайём", "Аруз ҳақида" каби бир қанча илмий рисола-лар яратдики, булар ҳозир ҳам ўз илмий қиймати йўқотган эмас. Абдурауф Фитрат қомусий олим саналади. Чунки "Шарх шахмат", "Ўзбек классик мусикаси ва унинг тарихи" номи асарлари унинг серкирра фаолият соҳиби эканини кўрсатиб туради.

Олмон олимаси Ингеборг Балдауф "XX аср ўзбек адабиётига чизилар" китобда маърифатпарварлик ва жадидчилик ижтимоий-сиёсий ҳаракати тараққиётида Фитратнинг ўрнига муносиб баҳо беради. Академик А. Самойлович ҳам "Турк халқлари адабиёти" китобиди бир қанча мақола-ларда Фитрат фаолияти ва ижодини алоҳида эътироф этган. Ўз давридан то ҳозирга қадар юксак эътирофларга сазовор бўлиб келатган қомусий олим Абдурауф Фитратнинг ҳаёт йўли, миллат тараққиётидаги хизматлари биз учун ўрнак, албатта.

Айниқса, ҳозирги глобаллашув жараёнида унинг асарларини ўрганиш ва татбиқ этиш ўта муҳим саналади. Биз ёшларимизда шундай буюк юртдошимиз, миллат ва Ватан йўлида фидойи аждодларимиз борлигидан фахрланиш туйғусини шакллантиришимиз зарур. Қолаверса, ёшларни уларга муносиб фарзанд бўлишга ўргатиш масъулиятли вазифамиздир.



Фахр
Хамид йўлдошев олган суратлар.



Зулфия МҲМИНОВА,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
аъзоси

Биз табиат фарзандимиз. Баҳорий илқик, наҳорий тиниқлик, фараҳбахш ёзнинг мафтункор кунлари, сеҳрли оқшомлари, олтин кузнинг сирли эрталари, зумрад қишнинг мусавфо хавоси, бошимиз узра сочилаётган қор парчалари инсон табиатини эркакловчи қувватга эга.

Осмонлар биналарда, юлдузларга тегиб турган қасрларда яшаса-да, инсон ерга, табиат қўнига интилади. Нозик майсаларни силагиси, қушларга дон сочгиси, фаввораларнинг сачраши, намхуш хавонинг юзига урилишидан энтикисси келади. Инсон бу завқни фақат табиатдан олади. Фильмлардаги тасвирлар, суратлардаги жиллолар инсонга тирик табиат тафтини, ифориини беролмайди. Боғлар, гуллар, дарактлар, майсалар, ашиллиқ ўраб турган йўлаклар, бош эгиб турган мажнунтопдан тортиб, қиш-ёзн яшил либосининг аслигидан мағрур арчалар, қарағайлар, асрларга салом берган чинорлар, эрталарда тилга олинган эман дарактлари, Навоий ғазалларидаги сарвлар, Бобур дилини мунаввар айлаган оғочлар, Ойбекка илҳом берган наъматактлар, Ҳамид Олимжоннинг деразаси ёнида оппоқ бўлиб гуллаган ўриклар, Миртемирнинг мажнунтоллари ўзбек миллиятининг тилидан тушмас меҳр ғавҳарларига айланган. Мусавирларнинг ўлмас асарлари, ҳайкалтарошларнинг дунёга ҳазиналари, ўзбек кулолининг дунё сайёҳлари томонидан қимизарга баҳоланиб, сотиб олинган дурдона идишлари-ю, бастакорларни уйусидан уйготатган тунги боғлар салтанатининг бари инсонни табиат билан боғлаб ташлаган илҳий иллар маҳсулидир.

Давлатимиз раҳбари ўтган йили Учтепа туманига таширфи чоғида Тошкент шаҳрининг барча туманларида истироҳат боғларини ташкил этиш, аҳолининг дам олиш шароитини кенгайтириш бўйича топшириқлар берган эди. Шу топшириқ ижросини таъминлаш учун Янги ҳаёт туманидаги 10 гектар ерда "Flowers garden Park" ташкил қилинди. Бонинг 5 гектари дарактзор, 5 гектари эса гулзор ва гул сотиш марказидир.

Боққа йирик гулли магнолиялар, фотиния фразери, қора қарағайлар, игна баргли арчалар, "Кримсон кинг" чинорлар, хуллас, 30 турдаги 6 мингдан зиёд манзарали даракт, 20 турдаги 60 мингдан зиёд бутта олиб келиб экилди. Аҳолининг кўнгилли хордиқ чиқариши учун ресторан ва савдо шохобчалари ташкил этилган.

Туркиянинг "Natural Beauty" ширкати билан ҳамкорликда пунёд этилган боғда 200 та иш ўрни яратилган. Маънавий агроном ва энтомологлар жалб этилган.

— "Ботаника" ва "Табиатунослик",



Фахр
Хамид йўлдошев олган суратлар.

(Янги ҳаёт туманидаги "Экопарк" оқшомларида)

Биз табиат фарзандимиз. Баҳорий илқик, наҳорий тиниқлик, фараҳбахш ёзнинг мафтункор кунлари, сеҳрли оқшомлари, олтин кузнинг сирли эрталари, зумрад қишнинг мусавфо хавоси, бошимиз узра сочилаётган қор парчалари инсон табиатини эркакловчи қувватга эга.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Салим Дониёров

«Янги Ўзбекистон» газетаси учун масъул:
бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари
Бахтиёр Абдусатторов

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Эълоилар: (0-371) 233-57-15 E-mail: yuz-gazetasi@mail.ru

Тахририятга келган қўлхатлар тахрир қилинмайди ва муаллифга қайтариқмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобдор. Газета тахририят компьютер марказида сақланади. Газетанинг полиграфик хизматдан сифатли чоп этилишига "KOLORPAK" МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма — 1526.
43135 нусхада бошқили.

Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида бошқили. Қоғоз бичими А2.

Баҳоси келишилган нархда.

"KOLORPAK" МЧЖ босмахонаси. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Элбек кўчаси, 8-уй.
ЎЗА якуни — 02:05 Тошхирлида — 03:10 1 2 3 4 5 6

Навбатчи муҳаррир: Хайриддин Мурод Мусаххон; Ойдин Алпуддинова
Дизайнер: Зафар Бакиров
Босмахона телефони: (71) 230-27-76

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй